2016 ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (13.148)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Экспорт — тараққиётнинг муҳим омили

ТЎҚСОН БЕШ ФОИЗИ ЭКСПОРТГА

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътибор самарасида соҳа корхоналарининг ички бозорни тўлдириш, шу билан бирга экспорт ҳажмини оширишдаги ўрни ортмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Magnus Industrial Group" масъулияти чекланган жамияти улардан бири. Турли диаметрдаги мис қувурлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага замонавий ускуналар ўрнатилган. Бу ерда автомобилсозлик, электротехника, қурилиш материаллари саноатида талаб юқори бўлган материал турлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Ҳозир корхонада диаметри 2 миллиметрдан 42 миллиметргача бўлган мис қувурлари ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳаллий хомашё асосида тайёрланаётган мис қувурларининг сифати юқорилиги боис ташқи бозорда ҳам харидоргир. Бугунги кунда уларнинг 95 фоизи экспорт қилинмоқда.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада элликдан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, унинг ўттиздан ортиғи коллеж битирувчиларидир.

– Амалиёт ўташ давомида зарур кўникмаларни эгалладим. Шу боис ишга олиб қолишди, – дейди Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Сирожиддин Алимов. – Назария ва амалиётни бирга олиб бориш соҳани тушуниш ва яхши ишлашга ёрдам бераркан. Коллежда ўрганганларимиз иш жараёнида қўл келмоқда.

Корхона раҳбари, ёш тадбиркор Анвар Нодирхонов жорий йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

– Давлатимиз раҳбарининг ёшлар бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир, деган сўзлари бизга доимо қанот, куч бағишлайди, – дейди А.Нодирхонов. – Ёшларга билдирилаётган бундай ишонч ва яратилаётган шароитлар бизни янада кўпроқ изланишга, янги марраларни эгаллашга чорлайди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик куч-ғайрат бағишлаши билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

"Magnus Industrial Group" корхонаси юртимиздаги "Artel", "Sino" компаниялари, шунингдек, дунёга машҳур "Samsung", "LG" компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Корхонада келгусида яна бир инвестициявий лойиҳа амалга оширилиб, мис фитинглар тайёрлашни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ БОЗОРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида электрон тижоратга оид қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиёт тармоқларига ахборот технологиялари жорий этилаётгани савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнида кенг қулайликлар яратаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2015 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун соҳанинг технологик ва телекоммуникациявий ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Электрон тижорат соҳасида ягона сиёсат стратегиясини белгилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2016-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш Концепцияси қабул қилинди.

– Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун кўплаб қулайликлар яратмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Жамшид Пирматов. – Бинобарин, электрон тўлов ва электрон тижоратнинг жорий этилиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми ва рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини беради.

Тадбирда юқорида зикр этилган концепцияда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси масъул ходимларининг ахборотлари тингланди. Иштирокчилар саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

(ЎзА)

МУЛК ЭГАЛАРИНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

Миллий матбуот марказида "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимидаги машина трактор парклари қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашда кўрсатилаётган имтиёзли лизинг хизматларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Ўзагромашсервис" уюшмаси раиси ўринбосари Х.Қаҳҳоров ва бошқалар мазкур уюшма фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кенг қамровли хизмат кўрсатаётганини таъкидлади. Қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматлари кўрсатадиган таъминот ва таъмирлаш корхоналарида фермерлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жорий йилда баҳорги дала ишларида қатнашадиган техника воситалари ва ғалла ўриш комбайнларини мавсумий дала ишларига тайёрлаш учун 62 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалиги шиналари ва бошқа турдаги моддий-техник ресурслар етказиб берилди. Бундан ташқари, яқинлашиб келаётган мавсумда ғалла ўриш комбайнларининг бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида 6,1 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар захираси яратилди.

(Давоми 2-бетда)

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА МОС БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ролини тубдан ошириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 апрелдан кучга кирган янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни замонавий бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ишончли ва мукаммал иқтисодий ахборот ва ҳисоботлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид ТЎХТАБОЕВ ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишга йўналтирилган стратегия асосида юқори технологияларга асосланган корхоналар барпо этилиб, замонавий бошқарув усуллари жорий этилмоқда. Давлатимиз раҳбари акциядорлик жамиятларида молиявий бошқарув ва замонавий менежментнинг янги механизмларини жорий этиш асосида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш вазифасини қўйди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш бухгалтерия ҳисобининг мукаммал юритилишига ва ишончли молиявий ҳисоботларга таянади.

1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни ўз навбатида бухгалтерия ҳисобини сифатли ва ишончли ташкил этиш бўйича халқаро талабларга жавоб бериши билан бир қаторда, корхоналарнинг молиявий ҳисоботларига бўлган ишончнинг ортишига, бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўтган даврда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида барча соҳалар сингари ҳисоб-китоб тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, соҳа билан боғлиқ қатор янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, мавжудлари такомиллаштирилди. Бу "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунни бугунги кун талабларига мослаштиришни тақозо этди.

Юқоридагилар ва соҳада тўпланган миллий ва хорижий тажриба бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва ҳисоботларни тузиш борасидаги қонунчиликни янада мукаммаллаштиришни илгари сурди. Шулардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва Президентимиз томонидан тасдиқланди.

32 моддадан иборат қонунда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни, асосий мақсади ва вазифалари иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига қўйилаётган янги талаблардан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисобот тузишнинг халқаро стандартларига мувофиқ белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш ва эълон қилиш белгиланганлиги муносабати билан ҳам миллий, ҳам халқаро стандартларни қамраб олувчи бухгалтерия ҳисобининг стандартлари қонун даражасида ўрнатилди.

Аввалги қонунчиликда бухгалтерия хизмати раҳбари фаолиятини тартибга солишга қаратилган аниқ меъёрларнинг мавжуд бўлмаганлиги боис, қонунга бухгалтерия хизмати раҳбари мақомини ва унга қўйиладиган профессионал талабларни аниқловчи янги меъёрлар киритилди. Мазкур қоидаларда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия хизмати раҳбарига маълумоти ва иш стажи, шунингдек, малака даражасини ошириш бўйича янги талаблар белгиланди.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қаршида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, ҳунармандлик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган Тасвирий ва амалий санъат фестивали Қорақалпоғистон Республикасида ҳам юқори савияда бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида "Баркамол авлод – келажак таянчи" деб номланган кўргазма очилди. Унда Нукусдаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ижодига мансуб 100 га яқин картина намойиш этилди.

● Бухорода ўтказилган "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичида саккиз жамоа ўзаро баҳслашди. Мусобақада жамоаларнинг сафда юриш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлиги, давлат чегараси тўғрисидаги билими, турникда тортилиш, турли масофаларга югуриш бўйича маҳорати синовдан ўтказилди.

● Қашқадарёда Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунининг ижросини "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" унитар корхонасида жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш якунларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Нукусда ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 400 дан зиёд корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Ярмаркада жами 19 миллиард сўмликдан зиёд ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди.

ЖАҲОНДА

● МАГАТЭ ташкилоти ўз мутахассисларини Белоруссияда тез орада қуриладиган атом электр станциясида ишлайдиган ходимларнинг малакасини ошириш учун юборадиган бўлди.

● Бразилиянинг Posterscope ва NBS реклама агентликлари Зика вируси тарқалишига қарши курашда ёрдам берадиган янги қурилмани ишга туширди. Яъни, Рио-де-Жанейро шаҳри кўчаларида одамга хос нафас ва тер ҳидини таратувчи реклама лавҳалари ўрнатилди. Чивинлар уларга ўзини уриб қопқонга тушади. Боя муаллифларининг айтишича, мазкур воситалар 2,5 километр радиусдаги ҳашаротларни ўзига жалб қила олади.

● АҚШнинг компьютерлар ишлаб чиқарувчи "Intel" компанияси томонидан 2016 йил давомида иш ўринлари сони 12 мингтага қисқартирилиши маълум қилинди. Бунга асосан "Intel" маҳсулотларига бўлган талабнинг камайиб кетаётганлиги сабабдир. Ушбу компания бизнесини реструктуризация қилиш доирасида 1,2 миллиард доллар сарфлагани ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини замон талаблари асосида янада такомиллаштиришни режалаштирмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда демократик қадриятларни рўёбга чиқаришда фуқаролик жамияти институтлари томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, улар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш учун шарт-шароитлар яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан ҳақиқий жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

МАҲАЛЛАЛАРДА САЙЛОВ
очиқлик, муқобиллик ва демократик асосда ўтади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига энг муносиб фуқароларни сайлаш орқали маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш, ислоҳотлар жараёнидаги унинг иштирокини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланади. Шунинг ўзиёқ катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга мазкур тадбирга юқори даражада тайёргарлик кўришни талаб этади.

Ўтказилиши кўзда тутилаётган мазкур сайловнинг авалгилардан фарқи шундаки, бу жараёнда сайловлар давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

2013 йилда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунларида фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада оширишни таъминлайдиган бир қатор қоидалар киритилган. Жумладан, қонунда сайловларни ўтказишнинг асосий йўналиши сифатида муқобиллик принципи белгиланган. Бу – ўз навбатида, бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловида раис ва унинг маслаҳатчиларига икки ва ундан ортиқ номзод кўрсатилиши сайловларнинг қонунийлигини таъминлайди. Шунингдек, қонунда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда ҳокимиятнинг вакиллик органлари роли ва масъулиятини ошириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул органларнинг ваколатларини аниқ қилиб белгиланган.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Номзодлар кўрсатиш жараёнидаги янгиликлар шулардан иборатки, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман (шаҳар) ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади. Шунингдек, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин, фуқаролар йиғини раиси лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди. Бу сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса юксак маънавиятли, бошқарувчанлик қобилиятига эга бўлган, фуқаролар йиғини ҳудудида яшаб унинг муаммолари ва аҳолининг дардларини ҳис этадиган, ўзини одамларнинг иссиқ-совуғига даҳлдор сезадиган виждонли фуқароларнинг раис этиб сайланишига имконият яратади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловни қонунга мувофиқ, юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик даражада ўтказиш ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Муроджон ЗУФАРОВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Ҳуқуқий маслаҳат

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИГА САЙЛОВЛАР — МУҲИМ ЖАРАЁН

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари қандай чиқарилади?

— Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланган деб ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича қарор қабул қилади, мазкур қарор фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси икки нусхада тузилиб, бир нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ва шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни юқори турувчи комиссияга топширади.

— Қандай ҳолларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилади?

— Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар маҳаллаларидан фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилиб, овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида такрорий овоз бериш жараёни қандай ўтказилади?

— Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига сайланган ҳисобланади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари такрорий сайловини ўтказиш тартиби қандай?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади, агар:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари такрорий сайлови ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан ўтказилади.

— Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови қай тариқа амалга оширилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини органлари қандай шакллантирилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссиясини сайлайди.



Муҳташам бинолар шаҳримиз кўркига кўрк қўшади

ЯНГИ СУҒУРТА МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси дори ва фармакологик воситаларни клиник тадқиқотдан ўтказишда даволаш-профилактика муассасаси ва бошқа юридик шахслар, яъни суғурталанувчи беморнинг ҳаётига, соғлиғига зарар етказганлиги учун фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш учун "Дори ва фармакологик воситаларни клиник тадқиқот ўтказишда беморнинг ҳаёти, соғлиғига етказилган зарар бўйича фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш" номли янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқди.

Бунда жорий йилнинг январидан кучга кирган, янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун қўл келди. Унда дори ва фармакологик воситаларни клиник тадқиқотдан ўтказишдан олдин татбиқ этилаётган дори ва фармакологик воситани тақдим этган юридик шахс беморнинг ҳаётига, соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши белгиланган.

— Суғурта шартномаси дори ва фармакологик воситаларни клиник тадқиқотдан ўтказишда иштирок этувчи кўнгилли-бемор фойдасига тузилади, — дейди "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси департаменти бош менежери Мукаррам Алибоева. — Муддатни мижоз танлаш имконига эга. Унинг ҳоҳишига кўра бу муддат бир ойдан бир йилгача бўлиши мумкин. Шартномага мувофиқ беморнинг ҳаётига, соғлиғига зарар етказилганда, беморнинг ўзига ёки меросхўрига суғурта қопламаси тўланади. Агарда фуқаролик жавобгарлиги юзага келса, суғурта суммаси шартномада белгиланган тартибда тўланади.

Маълумотларга кўра, дори воситаларини ишлаб чиқиш саноатида "ножўя реакция"нинг мавжудлиги боис турли қалтисликларга дуч келиниши кўп бора кузатилган. Мисол учун, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда дори воситаларининг ножўя реакциялари оқибатида содир бўлган нохуш воқеалар ўлим ҳолатлари орасида 4-ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дори воситалари айланиши ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштирилиши, аҳолини сифатли, хавфсиз дори воситалари ва дори-дармонлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси яқинда жисмоний шахслар учун "Она ва бола соғлиғи" деб номланган янги суғурта турини ҳам тақдим этган эди. Бу хизмат бахтсиз ҳодиса натижасида она ва унинг 16 ёшгача бўлган боласи жароҳат олганда, тиббиёт муассасасига шошилинч жойлаштирилганда моддий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бунда стационарда даволаниш муддатига қараб турли миқдорда суғурта қопламаси тўлаш кўзда тутилган.

Зиёда ВОҲИДОВА

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА МОС БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунга бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари билан бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбари ўртасидаги ўзаро назоратни таъминлашга қаратилган янги нормалар киритилди. Шу билан бирга, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари ўртасидаги боғлиқликни белгилаш, ички ҳужжатлар айланишини мукаммаллаштириш, шунингдек, замон талабларига мос равишда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида қатор янги меъёрлар ҳам жой олди.

Қонунда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби соҳасида ички назоратнинг ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозимлиги белгиланди. Мазкур назорат хўжалик операцияларининг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, активлар бутлигини сақлаш, талон-тарож қилиш ҳоллари ва хатоликларни жойида аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича бухгалтерия ҳисоби субъекти ходимлари ўртасида жавобгарлик ва ваколатларни самарали тақсимлаш имкониятини таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботни йилнинг ҳар чорагида тақдим этиши белгиланган ҳолда, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат фақат йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш тўғрисидаги янги норма киритилди.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларга асосан бухгалтерлар ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлган жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги янги меъёр билан тўлдирилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тегишли моддаларга ўндан ортиқ янги норма киритилган.

Айтиш жоизки, қонуннинг янги таҳририда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил қилиш, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнларида юзага келаётган янги ҳуқуқий муносабатлар меъёрий тартибга солинди. Қонунга киритилган янгиликлар замонавий корпоратив бошқарувнинг такомиллашувига, хусусан, унинг иқтисодий дастаклари ва механизмлари мукаммаллашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Қонунда белгиланган янги норма ва қоидалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда уларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган махсус семинарларни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобининг барча субъектларида тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, унда ходимларни халқаро стандартлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрларига қўйилаётган қўшимча талаблар ҳамда ички назоратни ташкил қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунида кўзда тутилган янги меъёр ва қоидаларнинг ҳаётга жорий этилиши бухгалтерия ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш, унинг очиқлиги, хўжалик операцияларининг тўғри амалга оширилиши ва иш сифатини таъминлаш, активларни тўлиқ сақлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишдаги хатоликлар ва ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилишга хизмат қилади.

Беҳзод БОЗОРОВ
ёзиб олди

МУЛК ЭГАЛАРИНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Уюшма тизимида маҳаллийлаштириш дастури асосида янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Кейс" ғалла ўриш комбайнлари учун 400 турдан ортиқ, "Магнум" ҳайдов тракторлари учун 100 турдаги янги эҳтиёт қисмлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш учун "ЎзКейссервис" қўшма корхонаси сервис марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

"ЎзКейссервис" қўшма корхонасининг вилоятларда жойлашган бўлимлари "Нью-Холланд" ғалла ўриш комбайнлари, "TL 100", "TS 135", "T-7060" ҳайдов тракторлари, чигит экиш сеялкалари каби юқори унумли техникаларни кафолатли тарзда таъмирлаб бермоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда йил сайин қишлоқ хўжалик техникалари сонининг ортиши туман МТПлар ва "Агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамиятларининг таъмирлаш ва замонавий сервис хизматларига талабни оширмоқда. Жумладан, 2015 йилда таъмирлаш ва кўрсатилаётган сервис хизматлари ҳажми 82 миллиард сўмдан ошган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 96 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда.

Анжуманда "Ўзагромашсервис" уюшмаси томонидан техник хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни янада ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

УМРИ УЗАЯЁТГАН КЕКСАЛАР

Мамлакатимизда бугунги тинч ва фаровон ҳаётга эришишга муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакилларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Тиббий-ижтимоий муассасаларда улар учун қўшимча қулайликлар яратилиб, саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

Пойтахтимиздаги "Турон" санаторийси нуронийларимизнинг севимли масканига айланган. Чунки бу ерда улар истайдиган ҳамма нарса – баҳаво табиат, фойдали муолажалар, мазмунли суҳбат, меҳр-эътибор бор. Муолажаларни ўз вақтида олиши, овқатланиши, ҳордиқ чиқариши белгиланган жадвал асосида кузатиб борилади.

Санаторий директори ўринбосари Алишер Муҳаммаджоновнинг айтишича, асосан кардиология ва неврология соҳасига ихтисослашган мазкур дам олиш масканида аҳолига кенг кўламли санаторий-курорт хизмати кўрсатиш баробарида, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Санаторийнинг кардионеврология ва реабилитация бўлимида улар учун алоҳида хоналар ажратилиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланган.

Диагностика жараёнида юрак фаолиятини чуқур таҳлил этадиган ЭКГ, УЗД, допплер, электроэнцефалография каби диагностика аппаратлари жорий этилган.

– Санаторийнинг тиббиёт муассасасидан ажралиб туришини белгилайдиган бир қатор омиллар бўлади, – дейди кардионеврология бўлими мудири, олий тоифали шифокор Гулнора Фатхуллаева. – Бизнинг муассасамизда қарийб бир минг етти юз метр чуқурликдан оқиб чиқувчи, таркиби натрий бикарбонат тузли минерал сув, атроф-муҳитнинг ўзига хос иқлими ана шундай омиллар сирасига киради. Биз муолажаларни ана шу шифобахш сув асосида ташкил этамиз. Бассейн ҳам минерал сув билан тўлдирилади. Мазкур даволаш усули асабни тинчлантириб, организмда қон айланиши ва модда алмашинувини яхшилайди.

Кардионеврология соҳасига ихтисослашган санаторийда ташкил этилган реабилитация бўлимида оғир юрак ва асаб касалликларидан кейин беморларнинг соғлиғини тиклаш, соғлом ҳаётга қайтариш асосий йўналиш этиб белгиланган.

Санаторий ҳовлисидаги ўриндиқлардан бирида аёллар кекса онахоннинг ўгитларини тингламоқда. Яқинроқ бориб момонинг суҳбатига қулоқ тутдик. Момо аёлларга бахтли оила қуриш, саломатликни асраш, узоқ умр кўриш сирлари ҳақида сўзламоқда.

– Бизнинг ёшлик давримиз ниҳоятда оғир, машаққатли, синовли йилларга тўғри келди, – дейди 93 ёшли Ойша момо Нуриддинова. – Урушнинг инсоният бошига солган офатларини ўз кўзимиз билан кўрдик, азобларини бошимиздан кечирдик. Бугунги тинч, фаровон кунларни жаннатга қиёсласа бўлади. Бундай замонда оилаларда фақат бахт, шодлик, қувонч, орзу тантана қилиши керак. Бунинг учун ҳар бир инсон, айниқса, аёллар ўз сиҳат-саломатлигини қадрлаши, турмуш тарзини оқилона ташкил этиши лозим.

Бу ерда ташкил этилган клубда ишлаётган мутахассислар дам олувчиларнинг талаби ва қизиқишини ўрганиб, маданий дастур ташкил этади. Пойтахтимизнинг тарихий гўшалари, зиёратгоҳларга турли экскурсиялар уюштириш одат тусига кирган.

Булоқбошидан келган 78 ёшли Усмон Қаҳҳоров ҳар йили соғломлаштириш масканида ҳордиқ чиқариб, соғлиғини тиклашни одат қилган.

– Мамлакатимизда ўтганлар хотирасини эъзозлаш, бугунги кунда ҳаёт бўлиб кексалик гаштини сураётган нуронийларни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Усмон ота. – Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бу эътиборнинг яна бир амалий ифодаси. Ушбу фармонга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг моддий рағбатлантирилиши, пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилиши фахрийларимизнинг кўнглини беҳад кўтаради. Бундай хайрли ишлар юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлайди, файзу баракани оширади.

84 ёшли Дилбар ая Аъзамхўжаева ҳам бу ерда яратилган шароитлардан мамнун бўлиб сўзлади. Онахон ўтган йили ҳам шу оромгоҳда дам олиб, даволанган экан. Шароитлар маъқул келгани учун бу йил ҳам ушбу санаторийни танлабди.

– Кексайганингда фарзандлар эъзозида бўлиш бир неъмат бўлса, давлатимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш янада улкан бахт экан, – дейди Дилбар ая. – Бундай эътибор ва эъзоз учун Президентимиздан ниҳоятда миннатдормиз.

Ёши улуғ инсонларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, умрига умр қўшишда замонавий тиббий ёрдам билан бир қаторда санаторий-курорт хизматининг алоҳида ўрни бор.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан кексаларни бу йўналишда ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайди. Хусусан, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясидан маълум қилишларича, 2015 йилда мамлакатимизда бундай имкониятдан ўн бир мингдан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийлари баҳраманд бўлди. Жорий йилда 36 сиҳатгоҳ, жумладан, касаба уюшмалари тизимидаги 15 санаторийда 10 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийларини бепул соғломлаштириш режалаштирилган. Бугунги кунгача уларнинг 2 мингдан кўпроғига ана шундай хизмат кўрсатилди.

Бунга қўшимча равишда касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтган йили тизимдаги санаторийларда етти мингдан зиёд меҳнат фахрийлари бепул, уч мингдан кўпроқ пенсионер жамоа шартномалари орқали имтиёзли асосда соғломлаштирилди.

Кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, уларни рози қилиш халқимизнинг миллий қадрияти. Бу тамойил мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим бўғинига, доимий жараёнга айланган. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу борадаги ишлар янада кенгаймоқда. Отахону онахонларнинг кўнглини кўтариш, соғлиғини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Кўргазмалар

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

Жорий йилнинг 18-22 апрель кунлари Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан қатор ташкилот ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда "Соғлом она ва бола йили"га бағишланган анъанавий Тасвирий ва амалий санъат фестивали ўтказилди.

Ушбу фестиваль Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар зали, Тошкент фотосуратлар уйи, Халқаро маданият карвон саройи, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ музейида ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилди.

Ундан кўзланган асосий мақсад миллий санъатимизнинг ўтмишидан етиб келган бой мероси, бугунги салоҳияти ва энг асосийси, истиқлол йилларида етишиб келаётган ижодкорларни кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Унда таниқли рассомлар ва ҳунармандлар, қўли гул усталар, санъатшунос олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, меҳмонлар иштирок этди.

Тошкент фотосуратлар уйида очилган мазкур фестивалда Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоларининг 600 дан ортиқ ижод намуналари ўрин олган.

Шунингдек, бу ерда маиший ва интерьерни безашга мўлжалланган сопол ва чинни буюмлар намойиш этилди. Уста кулолларнинг турли йўналишдаги декоратив буюмлари, ҳайкалча, безакли шакл ва композициялари барчага бирдай манзур бўлди.

Тасвирий санъат байрамининг иккинчи кунида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари томонидан тайёрланган миллий либослар кўриги, уста ҳунармандлар, мусаввирлар иштирокида маҳорат дарслари, "Санъат ва санъатшунослик ёшлар нигоҳида" мавзусида республика ёшлар анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида ўтказилган Тасвирий ва амалий санъат фестивалида шаҳримиздаги Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Республика рассомлик коллежи, Республика дизайн коллежи ҳамда Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг асарлари намойиш этилди.

Экспозициядан тасвирий санъатнинг деярли барча турлари — рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, инсталяция, театр эскизлари, архитектура лойиҳалари жой олган.

Мазкур кўргазма эркин мавзуда бўлиб, иштирокчилар томошабинларга ўз иқтидорини кўрсатиб, ўқувчиларга маҳорат мактабидан сабоқ бердилар.

Шунингдек, фестиваль доирасида Озарбайжон миллий-маданият маркази, Хитой Халқ Республикаси тасвирий санъати усталари, Эрон, Индонезия, Вьетнам, Словакия, Ҳиндистон, Италия, Япония ва Бангладеш каби республикамизда фаолият олиб бораётган хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари ўзларининг кўргазмалари ва маданий дастурлари билан иштирок этишди.

Беш кун мобайнида маҳорат дарслари, либослар намойиши, рассомлар билан учрашувлар ўтказилди. Бу ерда меҳмонлар рассом ўқувчиларнинг ижоди билан танишибгина қолмай, Марказий кўргазмалар залининг боғида турли ўқув муассасалари ўқувчиларининг ижодларидан баҳраманд бўлдилар.

Халқаро маданият карвон саройида ҳам ташкил этилган кўргазма кўтаринки руҳда ўтказилди.

Кўргазмада Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, талаба ёшларнинг портрет, натюрморт каби қатор жанрлардаги бир неча суратлари ўрин олди.

Фестивалда олий ва ўрта махсус таълим масканлари ўқитувчи ва талабалари ижодига оид кўргазмалар, ёш дизайнерлар томонидан тайёрланган либослар тақдимоти, маҳорат машғулотлари ўтказилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Анжуманлар

ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан "Оилаларни мустаҳкамлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, соғлом она ва бола ғоясини амалга оширишда маҳалланинг ўрни" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Аллаев сўз олиб, мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, соғлом она ва бола ғоясини амалга ошириш, маҳаллаларда маънавий муҳитни таъминлаш борасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Хусусан, анжуманда, жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу жамоат ташкилотларининг жойлардаги вакиллари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, ёш оилаларнинг ажралиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, қолаверса фуқаролар йиғинлари ҳузурида фаолият юритаётган "Ота-оналар университетлари" томонидан ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш каби тарғибот тадбирларининг ташкил этилгани оилаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ҳар бир ҳудудда аҳолининг эҳтиёжманд, кам таъминланган қатламлари вакиллари, кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлар, "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларига моддий, маънавий кўмак кўрсатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 12-13 март кунлари ўтказилган умумхалқ ҳайрия ҳашарида ҳудудларни ободонлаштириш билан бир қаторда, 21 476 та оиланинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди ҳамда маҳаллалардаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Анжуман давомида ёшлар тарбияси ҳамда оилавий низоларнинг олдини олиш, оилаларни қўллаб-қувватлашда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқаролар йиғинлари олдида турган устувор вазифалар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир қизғин ва савол-жавобларга бой тарзда якунланди.

Зафар НАЗАРОВ

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ


Билимли ва юксак маънавиятли ёшларни камолга етказишда нафақат таълим муассасаси, балки оила ва маҳалла ҳамкорлиги катта роль ўйнаши кенг жамоатчиликка кундек равшан. Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактабида Тахтапул, Лабзак, Кохота, Чилтўғон, Уста Ширин маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёшлар таълим олишади. Маҳалла фаоллари мактабнинг доимий ҳамкори ва маслакдошидир.

— Таълим даргоҳимизда 1091 нафар ўқувчига 47 нафар педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Каттагина жамоани бошқаришнинг қийин жиҳатлари кўп. Шунинг учун ҳам педагоглар маҳалла фаолларининг кучига таянишади. Ҳар бир ўқувчи қайсидир маҳаллада яшар экан, биз албатта, боланинг ота-онаси билан ҳамкорлик ўрнатамиз. Чигал муаммолар юзага келганда эса маҳалла фаолларига маслаҳат соламиз. Яқин кунлар ичида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига мактабимиз педагогик жамоаси жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Таълим муассасамиз педагогик жамоаси бу сиёсий тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ўз чора-тадбирларини белгилаб олишган. "Тахтапул" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳига мактабимиздан 6 нафар педагог киритилди. Маҳаллада обрў-эътибори баланд, кўп йиллик ҳаётий тажрибаси билан бошқаларга ибрат бўладиган кишилар орасидан энг муносиб номзодларни сараладик. Зеро, янгидан сайланувчи маҳалла таркиби биз педагогларнинг қийин ва мураккаб ишини енгиллаштиради, глобаллашиб бораётган жамиятда ўқувчи-ёшлар тарбиясида кузатилаётган турли чигал муаммоларни ечишда маслаҳатгўй бўлади, — дейди 20-умумтаълим мактаби директори Шаҳноза Қосимова.

Ҳар бир мактаб қайсидир маҳалла ҳудудида жойлашган. Шу жиҳатдан олганда, маҳалла таркибининг сиёсий кампания муносабати билан янгиланиши умумтаълим мактаблари ишини осонлаштирадиган янги куч пайдо бўлишига бир ишорадир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлигини мустаҳкамлашда янгидан сайланадиган тузилма аъзоларига муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА





Архивлар фаолиятидан

ФОНДЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИ ВА ТАЛАБАЛАРГА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

"Ўзархив" агентлиги тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, архивнинг асосий вазифалари республикамиздаги фаолият олиб бораётган илмий-текшириш институтлари, соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат муассасалари, шунингдек, саноат, йирик ишлаб чиқариш ташкилотларининг фаолияти давомида шаклланадиган илмий-техникавий, конструкторлик, лойиҳа ҳужжатларини ва бошқарув ҳужжатларини жамлаш, ҳисобини юритиш, сақловини таъминлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида ўзининг фаолият тизимига кирувчи ташкилот ва идораларнинг турли илмий-техник, лойиҳа ва конструкторлик ҳужжатлари сақланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган 412 та фондда турли давлат муассасалари, қишлоқ ва сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, архитектура ва қурилиш соҳасида ишлаган ҳамда ҳозирда фаолият олиб бораётган турли ташкилотларнинг 302029 сақлов бирлигидаги архив ҳужжатлари жамланган бўлиб, шулар қаторида 106022 бошқарув ҳужжатлари, 12916 лойиҳа, 26601 илмий ҳужжатларга, яна 82931 тиббиётга оид ҳужжатлар бўлса, 33 фондда 20735 сақлов бирлигидаги улар орасидан ўта қимматлилари сақланади.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида Республикада илм-фан тараққиётига, тиббиёт ва техника соҳаларига ҳисса қўшган атоқли шахслар, профессор ва олимларнинг шахсий фондлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг шахсий ҳужжатлари, фото суратлари, илмий ишлари олимларимиз томонидан ёки уларнинг ворислари томонидан архивга топширилган. Архивдаги шахсий фондлар 50 фондда 5 минг сақлов бирлигидаги архив ҳужжатлари йиғилган.

Бу шахсий фонд таркибидаги ҳужжатлар келгусида илмий мақсадларда фойдаланиш учун сақловга топширилган бўлиб, архив ходимлари уларни кўз қорачиғидай сақлаб келмоқдалар. Шу вақт давомида улардан қанчадан-қанча илмий тадқиқотчилар, талабалар ва қизиқувчилар мақолалар, илмий ишлар ва диплом ишлари тайёрлашда фойдаланиб келинмоқда.

Лобар ТОЖИМУРОТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2015 йил 7 июлда реестр №008675-11 рақами билан рўйхатдан ўтказилган "Specenergokabel" МЧЖ (ИНН 303387347) фаолияти тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 281-46-65 телефони орқали қабул қилинади.

Спорт янгиликлари





БИЗ СОҒЛОМ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Пойтахтимиздаги "Шифокор" спорт мажмуасида "Биз соғлом юрт фарзандларимиз" шиори остида ташкил этилган мусобақаларнинг финал босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур спорт тадбири "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унда Тошкент Тиббиёт академиясининг барча факультетлари ва клиникалари ҳамда академик лицей, шунингдек, академияга бириктирилган тиббиёт коллежлари спорт жамоалари иштирок этди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори, тиббиёт фанлари доктори, академик Шавкат Каримов ва бошқалар барчани спорт байрами билан қутлаб, уларга мусобақаларда ҳамда ўқиш ва иш фаолиятларида муваффақиятлар тилашди. Шундан сўнг спорт беллашувларига старт берилди.

— Бу каби спорт мусобақалари соғлиқни сақлаш тизимидаги олий ўқув юртларида мунтазам равишда уюштириб турилади. Шифокор, энг аввало, ўзи соғлом бўлиши зарур. Шундагина у беморни тўлақонли даволай олади. Талабаларимиз нафақат илм олишда, балки спортда ҳам ҳеч кимдан қолишмасликларини исботлай олишяпти. Қолаверса, ушбу тадбирни ташкил этишда илму толибларнинг ўзлари бош-қош бўлишди. Айниқса, академиямизнинг тиббий-профилактика факультети талабаси Шаҳзод Жўраев ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари ҳаммага манзур бўлди, деб ўйлайман. Спорт — саломатлик, гўзаллик ва баркамоллик мезони экани ушбу мусобақада яққол кўриниб турибди, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Турдиқул Бобомуродов.

Бир неча ҳафта давомида Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли "Шифокор" спорт мажмуасида спорт мусобақалари икки босқичда бўлиб ўтди. Аввал, талабалар ўзаро беллашишган бўлса, сўнгра академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда клиникалар ходимлари ва фарзандлари спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, бадминтон, югуриш ва шейпинг бўйича мусобақаларда қатнашишди.

Кескин ва муросасиз тарзда кечган мусобақалар ғолиблари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Б.ЗУФАРОВ,
Қ.НИЗОМОВ
К.Ўлмасов олган суратлар

Филиппин пойтахтида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича навбатдаги Осиё чемпионати мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли якунланди.

ЧЕМПИОНАТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма берувчи мазкур нуфузли мусобақанинг биринчи кунида терма жамоамиз аъзоси Никита Рафалович олимпиада лицензиясига эга бўлди.

80 килограммгача бўлган вазн тоифасида даянга кўтарилган вакилимиз дастлаб ҳиндистонлик, кейин иорданиялик рақиблари устидан ғалабага эришди. Олтин медаль учун кечган беллашувда эса Хитой Тайпейи вакили Веи Тен Лиуни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, шоҳсупанинг юқорисидан жой олди.

Шунингдек, Ўзбекистон терма жамоасининг яна бир етакчи спортчиси, бир неча бор халқаро турнир ва гран-при мусобақалари ғолиби — Дмитрий Шокин ҳам ўз вазн тоифасида Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Гонгконгда стол тенниси бўйича Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпия ўйинларининг Осиё қитъаси учун квалификацион мусобақа ўтказилди.

Қувонарлиси, бу турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Зоҳидбек Кенжаев олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Зоҳидбек мусобақани чорак финалдан бошлади ва бу босқичда ливанлик рақибини осонлик билан мағлубиятга учратди. Бироқ ярим финалда мезбонлар вакилига кичик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйди.

Шундай бўлса-да, теннисчимизда ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси лицензиясини қўлга киритиш учун яхшигина имконият сақланиб қолди. Бу имкониятдан унумли фойдаланган спортчимиз 3-ўрин учун кечган баҳсда Хитой Тайпейи вакили устидан зафар қучиб, бирратўла олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Таъкидлаш жоиз, бу йўлда дуч келган рақиб ҳам жиддий қаршилик кўрсатди. Тенг курашлар остида ўтган беллашувда ҳамюртимиз 4:3 ҳисобида иродали ғалабага эришиб, август ойида олимпиадага борадиган бўлди.

Ботир ХЎЖАЕВ

"ЛОКОМОТИВ" ВА "ПАХТАКОР"НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ЮҚОРИ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳларида иштирок этаётган жамоалар 5-тур баҳсларини ўтказишди.

Ушбу нуфузли турнирнинг "А" гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси бу сафар БААда "Ал-Наср" клуби меҳмони бўлди. Анча қизиқарли ва муросасиз кечган беллашув 1:1 ҳисобида якунига етди. "Локомотив"дан мезбонлар дарвозасига Темирхўжа Абдухолиқов гол киритди. Энг муҳими, "Локомотив" ушбу турдан кейин ҳам гуруҳдаги пешқадамлик мавқеини сақлаб қолди. Энди темирйўлчилар Тошкентда "Ал-Наср" жамоаси билан 4 майда кечадиган такрорий баҳсда зафар қучишса, ҳатто дуранг қайд этишса ҳам кейинги босқич йўлланмасига эга бўлишади.

Шунингдек, Осиё чемпионлар лигасининг "С" гуруҳида иштирок этаётган амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Пахтакор"га 5-турда омад кулиб боқди.

Пахтакорчилар бу сафар БААнинг "Ал-Жазира" клуби меҳмони бўлишди. Меҳмонда ўйнашларига қарамай тошкентлик чарм тўп усталари сермазмун ўйин намойиш этиб, якунда чиройли ва ишончли ғалабани қўлга киритишди. Деярли пахтакорчиларнинг устунлигида кечган баҳс 3:1 ҳисобида тошкентликларнинг ғалабаси билан якунланди. Рақиб дарвозасини Шерзод Каримов, Игорь Сергеев (2 та) аниқ нишонга олишди. Қувонарлиси, гуруҳда 5-турдан кейин ҳам пахтакорчилар 3-ўринда бораётганликларига қарамай яхши имкониятга эга бўлишди. Сабаби Тошкентда 3 май куни уюштириладиган сўнгги турда ҳамшаҳарларимиз БААнинг "Ал-Жазира" жамоасини мағлуб этишлари шарт. Шунингдек, гуруҳ пешқадами Эроннинг "Тракторсози" жамоаси "Ал-Ҳилол" командасини мағлуб этиши талаб этилади.

Ушбу нуфузли турнирда "Д" гуруҳида сўнгги поғонада бораётган "Насаф" 5-турда БААнинг "Ал-Айн" жамоасини Қарши шаҳридаги стадионда қабул қилди. Шиддатли курашлар остида кечган учрашувда томонлар муроса йўлини танлашди. Беллашув 1:1 ҳисобида тугади. Аммо, "Насаф" ҳам сўнгги турда "Ал-Айн" клубини сафарда мағлуб эта олса кейинги босқичга йўл олиши мумкин.

Фақатгина пойтахтимизнинг "Бунёдкор" клуби сўнгги тур ўтиш-ўтмаслигидан қатъий назар Осиё чемпионлар лигаси турнирини тарк этиши маълум бўлиб қолди. Чунки ўз майдонларида Қатарнинг "Лаҳвия" жамоасини тошкентлик футболчилар мағлуб эта олишмади. Аксинча, ҳимояда йўл қўйилган қўпол хатолар туфайли ўйин 0:2 ҳисобида меҳмонларнинг ғалабаси билан якунига етди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ОШИШИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Офатларнинг катта-кичиги бўлмайди. У хоҳ табиий, хоҳ техноген бўлсин кутилмаганда рўй бериши эҳтимолдан холи эмас.

"Тайёргарликдан ўтган инсон ярим қутқарилган инсондир" деганларидек, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишларидан ташқари турли учрашувлар, ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Республика ихтисослаштирилган отряди базасида ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда ўқув машғулоти ташкил этилди. Унда иштирок этган Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси РКБ(Б)М бўлими ходимларининг "Замонавий шахсий ҳимоя воситалари ва улардан фойдаланиш", "Кимёвий заҳарланиш ўчоғида ҳаракат қилиш тартиби" мавзуларида маърузалари тингланди.

Иштирокчилар фавқулодда вазиятлар ўчоғида кимёвий муҳофаза воситаларининг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис этиб, намуна сифатида келтирилган замонавий шахсий ҳимоя воситалари ҳамда радиацион ва кимёвий разведка асбобларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишди.

Бундан ташқари, ўқув машғулоти давомида мавзуга оид тушунчалар билан бир қаторда аҳоли ўртасида табиий газ ҳамда ёқилғининг бошқа муқобил турларидан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда амалга ошириладиган профилактик тадбирларни такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилиб, мутахассислар томонидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида Тошкент шаҳар ФВБ ходимлари тингловчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Бу шубҳасиз, ёнғин хавфсизлиги ходимларининг келгусида фавқулодда вазиятлар ўчоғида тўғри ҳаракат қилишига ва хизмат самарадорлигининг бирмунча ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Азамат СУЮНОВ

ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН ҲИМОЯ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида ташкил этган тадбирда Фанлар академияси Сейсмология институти, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва бошқа қўплаб идоралар мутахассислари сўзга чиқди.

Бугун Тошкент юзлаб саноат объектлари, қудратли транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга улкан шаҳардир.

Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Орипов энг ривожланган давлатлар ҳам ер силкинишини юз фоиз олдиндан айтиб бера олмаслигини таъкидлади. Шу боис, табиий тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар рўй берганда тезкор ҳаракат қилиш ва аҳолини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур. Президентимиз раҳнамолигида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, мустақиллик йилларида мактаб бинолари ва бошқа ижтимоий объектлар сейсмик хавфсизлигини таъминлашга доир махсус дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Авария ҳолатидаги қарийб 700 мактаб капитал реконструкция қилинди ёки янгитдан барпо этилди.

Тадбирда Ўзбекистон сейсмологлари жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Айни пайтда мамлакатимиз олим ва мутахассислари зилзила таъсирида айрим биноларнинг вайрон бўлиш сабабларини юмшатишга қаратилган янги лойиҳалаштириш ва қурилиш концепциялари ҳамда техник ечимлар ишлаб чиқмоқда.

Семинар-тренинг доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари журналистларга фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга шайлигини намойиш қилди, Зилзилани симуляция қилиш марказига экскурсия уюштирилди, қутқарувчилар инвентарь ва махсус техникалар кўргазмасини ташкил қилди.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 17 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк тақроран қўйилмоқда:

1. Сергели туман СИБ томонидан, 2012 йил 30 июнь кунги 10-1204/12309-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3-мавзе, "Сергели деҳқон бозори" ҳудудида жойлашган, умумий майдони 510 кв.м. бўлган дўкон ва қаҳвахона, ҳамда умумий майдони 106 кв.м. бўлган ноқонуний 2 қаватли қурилма. Бошланғич нархи 1 095 773 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 15% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.



ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ